ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ- ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 16 июн, сешанба № 101 (2150)

Ушбу сонда:
2 ҲАР БИР ХОНАДОНГА бир бошдан сигир
3 Бир Фармон шарофати КАСАНАЧИЛАР
4 ҲАЁТ ШУКУҲИ

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## Ўзбекистон электр энергетика, нефт ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институтини ташкил қилиш тўғрисида

***Мамлакатда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни илмий- техникавий жиҳатдан ва лойиҳалар билан таъминлашни мувофиқлаштиришни кучайтириш, республика иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган саноатнинг базавий тармоқлари корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини юқори даражада тайёрлаш ва уни сифатли амалга ошириш мақсадида:***

1.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, шунингдек жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган иқтисодиётнинг базавий тармоқлари саноат объектларини қуриш, модернизациялаш ва реконструкция қилишнинг техник- иқтисодий асослари ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

2.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон электр энергетика, нефт ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институти — «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» ташкил қилинсин.

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти зиммасига иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳалаш ишларини ўтказишда бош пудратчи функцияси юклансин.

3.Қуйидагилар «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

саноатнинг базавий тармоқларини таркибий ўзгартириш, электр энергетика, нефт ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат йирик объектларини модернизациялаш ва техник реконструкция қилиш концепциясини ишлаб чиқиш;

инвестиция лойиҳаларининг техник- иқтисодий асосларини аниқ ишлаб чиқиш учун субпудратчилар сифатида мамлакатимиз ва хорижий ихтисослаштирилган лойиҳа институтларини, шунингдек етакчи мутахассисларни танлов (тендер) асосида жалб этиш, уларнинг ишини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, шунингдек жалб этилган хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган иқтисодиёт базавий тармоқларининг стратегик муҳим корхоналарини қуриш ва модернизациялаш бўйича тақдим этилган инвестиция лойиҳалари ва техник-иқтисодий асосланишини экспертизадан ўтказиш ҳамда уларни танлаб олишда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишдан бошлаб то уларни амалга оширгунга қадар мониторинг қилиш ва техник жиҳатдан таъминлаш.

4.Қуйидагилар белгилансин: «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ҳисобот берадиган мустақил ташкилот ҳисобланади;

лойиҳани ишлаб чиқиш учун ҳам, уни тўла ниҳоясига етказгунгача техник таъминотнинг ташкил этилиши учун ҳам масъул бўлган лойиҳа бош муҳандислари (ЛБМ) томонидан раҳбарлик қилинадиган тармоқ бюролари «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институтининг асосий таркибий бўлинмалари ҳисобланади;

ЛБМлар бюросини юқори малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш институтнинг истиқболдаги ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти Илмий-техника кенгашининг ижобий хулосасидан кейингина белгиланган тартибда вакил қилинган органларга экспертизадан ўтказиш учун киритилади;

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти Илмий-техника кенгаши аъзоларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти, шунингдек бошқа лойиҳа институтларининг етакчи мутахассисларидан тузилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳайъати томонидан тасдиқланади.

5.Қуйидагилар: ходимлар умумий чекланган сони 153 нафар, шу жумладан ишлаб чиқариш-бошқарув ходимлари сони 115 нафардан иборат бўлган «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти тузилмаси 1-иловага мувофиқ; Лойиҳа бош муҳандиси бюросининг намунавий тузилмаси 2- иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти директори лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг ўринбосари ҳисобланади.

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти директорига иқтисодиёт вазири билан келишилган ҳолда, тасдиқланган лавозимлар сони доирасида, институт таркибига зарур ҳолларда ўзгартишлар киритиш ва ходимлар сонини унинг таркибий бўлинмалари ўртасида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

Институт ходимлари таркибини шакллантириш аниқ лойиҳа топшириқлари олинишига қараб амалга оширилсин.

6.Қуйидагилар «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институтини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин: инвестиция лойиҳалари буюртмачиларининг шартнома асосида ТИАни ишлаб чиқишга ажратилган маблағлари, лойиҳа-қидирув ва лойиҳа ишларини бажариш, лойиҳалар амалга оширилишини техник жиҳатдан таъминлаш;

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институтининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда шахсий фаолияти натижасида олинган даромадлари;

халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларининг грантлари;

етишмаётган қисмида - давлат бюджети маблағлари.

7. «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти 2010 йилнинг 1 январигача барча солиқ турларидан, йиғимлар, божлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинсин, божхона расмийлаштируви учун йиғимлар ва ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно.

8.Қуйидагилар белгилансин:

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти ходимларига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлаш, моддий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатиш шартлари татбиқ этилади;

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти ходимларига институт директорининг буйруғи билан устав фаолиятидан олинган даромадлар ҳамда ажратилган мақсадли бюджет маблағлари доирасида иш ҳақига ойлик устама ҳақ белгиланиши мумкин.

9.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

10.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 13 июн

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ мустақилликнинг ўн бешинчи йилида

***Касаба уюшмалари мустақиллик туфайли ташкилий жиҳатдан мустаҳкам оммавий ташкилотга айланди ва айни пайтда ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида фаолият кўрсатмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, республика раҳбариятининг ҳам, касаба уюшмаларининг ҳам мақсади битта — янги ўзгаришларга ўтиш даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан пухта муҳофазалаш, барча соҳалардаги ислоҳотларни чуқурлаштириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашдир.***

## МАҚСАД ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Вилоят касаба уюшмалари бирлашмасида бу борада бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қабул қилинган келишув ва жамоа шартномаларида меҳнат ва дам олиш, меҳнатни рағбатлантириш, унга ҳақ тўлашни тартибга солиш- механизми, аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусийлаштириш жараёнида ходимлар манфаатларининг камситилишига йўл қўймаслик, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор берилди. Масалан, «Ховосдон» ҳиссадорлик жамияти, Сирдарё электр станцияси, «Сирдарё ИЭС», «Сирдарётелеком», «Сирдарё почтаси», «Гулистонэкстрактёғ» каби қатор корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари орқали ходимларга қонунда белгиланганидан юқорироқ имтиёзлар амалга оширилаяпти. Биргина «Сирдарё ИЭС», «Фарҳод ГЭС»и корхоналарида кам таъминланган оилаларнинг 25 тасига моддий ёрдам кўрсатилди. Янгиер шаҳридаги «Саховат уйи»да истиқомат қилувчи 52 нафар қарияга манзилли кўмак берилди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили давлат дастури ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг қарорларини бажариш борасида ўтган давр ичида кўплаб ишлар қилинди. Хусусан, кам таъминланган, кўп болали оилалар, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, байналмилалчи жангчиларга корхона ва касаба уюшма маблағлари ҳисобидан доимий моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида соғлиқни сақлаш тизимидаги 30 нафар кўп болали аёлларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини бир соатга қисқартиришга эришилди.

(Давоми 2-бетда)





# ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ

## сўлим гўшаларда ҳордиқ чиқаради

***Эртанги кун эгалари бўлган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсон этиб тарбиялаш ҳукуматимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Улар юрт корига ярайдиган, маънавиятли, билимли бўлиб етишишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.***

Ҳар доимгидек, жорий йилда ҳам болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумини юксак талаблар даражасида уюшқоқлик билан ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрилди. Республикамиздаги мавжуд оромгоҳлар кўнгилдагидек таъмирланиб, дам олувчиларни қабул қилиб олишга шай ҳолатга келтирилди.

Айниқса, Оролбўйи болаларини ёзги мавсумда соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги муҳим аҳамиятга молик. Жумладан, Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларида Қорақалпоғистондан ташриф буюрадиган 2500 нафар боланинг ҳордиқ чиқариши мўлжалланган.

Яқинда Тошкент вокзалида дам олувчиларнинг дастлабки гуруҳи кутиб олинди. Оролбўйида яшовчи кам таъминланган оила фарзандларидан 540 нафари махсус автоуловларда пойтахт вилоятида жойлашган 5 та энг сўлим дам олиш масканларига юборилди. Улар барча қулайликлар муҳайё этилган «Зафар», «Қуёшли», «Нурафшон», «Гулистон» ва «Меҳржон» оромгоҳларида 18 кун давомида соғлиқларини тиклайдилар.

— Бу йилги мавсумга ҳар қачонгидан ҳам пухта ҳозирлик кўрилди, — дейди Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Муҳаммад Отажонов. — Корхонамизга қарашли Бўстонлиқдаги «Гулистон» оромгоҳида ушбу мавсумда меҳнаткашларнинг 840 нафар фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқариши мўлжалланган. Шундан 90 нафари Оролбўйидан келган кам таъминланган оила фарзандларидир.

— Ўтган йили ҳам Бўстонлиқдаги сўлим дам олиш масканида бўлган эдим, — дейди Беруний туманидаги 69-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Темур Султонов. — У ердаги яратилган шароитлардан ташқари, тоза ҳаво, тиниқ сув, тоғлар бағридаги гўзал табиат катта таассурот уйғотган эди. Бу йил эса тенгдошларим Байрам, Серикбой, Қувончбеклар билан дам олишга келдик.

Шунингдек, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида Хоразм вилоятидан келган 1000 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилган. Уларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун муносиб тайёргарлик кўрилди. Жумладан, «Хумо», «Келажак» каби масканлар ҳомий ташкилотлар саъй-ҳаракати билан сифатли таъмирдан чиқарилди.

Хоразмлик болаларнинг дастлабки гуруҳи қабул қилиб олинди. Биринчи босқичда 420 нафар кам таъминланган оила фарзандлари «Коинот», «Хумо», Келажак», «Сумча» каби сўлим оромгоҳларда мириқиб дам олиб, соғломлаштирилади.

**Одил ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ҲУҚУҚШУНОСЛАР АРДОҒИДА

***Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябр куни қабул қилинди. Бу воқеа жаҳонда тинчлик ва адолатни мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди. Халқимиз болажон халқ. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ, аниқроғи, 1992 йил 6 декабрда, унинг иродасини ифодалаган ҳолда, Бола ҳуқуқлари ҳақида Конвенция ратификация қилинди.***

***Боланинг жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий фаол бўлиб камол топиши учун зарур ҳаёт даражасига эришишни яхши ният қилдик. Англадикки, уйғун камол топган шахсни тарбиялай олган мамлакатнинггина келажаги буюкдир.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси қонунларида акс эттириш" мавзусига бағишланган илмий-амалий семинарни очар экан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, юридик фанлари доктори Акмал Саидов шундай деди:

– Юртимизда болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш, уларга қулай шароит яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунда ўсиб келаётган авлод ҳаётини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий дастурлар устиворлигига катта аҳамият берилмоқда.

Болаларга ғамхўрлик, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси билан нафақат давлат тузилмалари, балки кўплаб нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳам шуғулланмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамоатчилик жамғармаси, Республика болаларни ижтимоий мослаштириш маркази каби жамоат тузилмалари шулар жумласидандир.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Реза Хоссайни сўзини хитойликларнинг мақоли билан бошлади: «Гуручни парвариш қилсанг, бир йилда, дарахтни парвариш қилсанг беш-олти йилда, болаларни парвариш қилсанг, ўттиз-ўттиз беш йилда ҳосилини кўрасан». Демак, болалар тарбияси масаласи билан узоқни кўзлаб шуғулланишимиз керак.

У ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот ҳақида гапирар экан, жумладан, шундай деди:

– БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФга болалар ҳуқуқларини илгари суриш, уларнинг асосий эҳтиёжларининг қондирилиши ва тўла салоҳиятга эга бўлишлари учун имкониятларни кенгайтиришга кўмаклашиш ваколати берилган.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистон Республикаси билан тузилган 2005–2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурига мувофиқ болалар ва оналар ўлимининг олдини олиш, болаларни осойишта муҳитда тарбиялаш, юқори сифатли таълим, соғлиқни сақлаш ва санитария шароитини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, болалар манфаатларини кўзловчи қонунларни қабул қилиш соҳаларидаги ҳукумат ва жамоатчилик интилишларини қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси, юридик фанлари доктори Толибжон Умаров болаларнинг ҳуқуқий ҳолатини яхшилаш учун айрим таклифларни баён қилди:

– халқаро андозалар ва миллий анъаналардан келиб чиқиб, болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини яна мустаҳкамлаш;

– ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

– оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш;

– болалар тарбияси ва таълимни илғор услублар асосида ривожлантириш, бунинг учун махсус адабиёт ва ўқув қўлланмаларини кўпроқ чоп этиш;

– ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг алоҳида давлат қарамоғида бўлишини кафолатлаш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш учун ўқув-ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш;

– етимликнинг салбий оқибатларини камайтириш, улар билан ишлаш учун малакали кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш зарур.

Шунингдек, юридик фанлари номзодлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўлим бошлиғи Ф.Бакаева «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияси ва унинг Ўзбекистонда татбиқ этишнинг ҳуқуқий механизми», ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази директори Ш.Асьянов «Ўзбекистон Республикасида Ювенал адлиянинг бугунги ҳолати ва ривожланиши» мавзусида маъруза қилдилар.

Болалар ҳуқуқлари тўғрисида алоҳида қонун керакми, айрим мавжуд қонунларда унинг акс эттирилгани етмайдими, вояга етмаган ҳуқуқни бузувчилар учун махсус суд тизими, яъни Ювенал адлия зарурми деган мавзуда баҳс-мунозаралар бўлди.

Кимдир ёқлади, кимдир қарши чиқди. Барча фикр эҳтиромга лойиқ. Тўғри, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция Конституциямизнинг «Оила» бобида, «Соғлом авлод» дастурида, Оила, Меҳнат, Фуқаролик, Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва бошқа қонунларда муайян аксини топган. Бироқ... Айрим мулоҳазалар...

Биринчидан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясига қўшилган эканмиз, унинг қонуний, маъмурий чора-тадбирларни қабул қилиш тўғрисидаги талабини тўлиқроқ бажаришимиз зарур.

Иккинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида бозор иқтисодиётининг, таъбир жоиз бўлса, зарбини юмшатиш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Учинчидан, бу борада қонунларни мужассамлаштириш, учрайдиган айрим номутаносибликларни бартараф этиш, қонун ижодкорлигини жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш юртимиз тараққиёти талабига мос келади.

Тўртинчидан, бизда, кўпгина оилаларда болаларга катталардек Сиз деб муомала қилинади. Беш ёшгача бўлган болани жазолаш тақиқланади. Бу бизнинг миллий хусусиятимиз.

Бешинчидан, болаларни турли хил салбий таъсирлар (айрим реклама ва кинолар)дан асраш жоиз.

Олтинчидан, айнан Ювенал адлиянинг мақсади ёш фуқарони жазолаш эмас, балки унга ўзига хос ёндошиб тарбиялаш, болани ёмон таъсир ва хавфли муҳитдан асрашдан иборатдир.

Еттинчидан, болани кўпроқ оила муҳитида тарбиялаш, унинг манфаатини ҳисобга олган ҳолда фарзандликка олишни амалга ошириш жараёнини осонлаштириш лозим.

Бола ҳуқуқлари тўғрисида алоҳида қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим омилидир.

Бир нарсани мамнуният билан қайд этгинг келади. Мамлакатимизда болалар жиноятини судда кўришда хайрли анъана вужудга келган. Иложи борича озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмайди. Жазога шартли ҳукм қилиниб, ҳулқ-атворини назорат қилиб бориш учун мураббий тайинланади. Бу Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 40-моддаси талабига ҳамоҳангдир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хуллас, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, ОАВ, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилган семинарда кўтарилган масалалар барча ҳуқуқшуносларни, Ватанимиз келажагига дахлдор барча кишиларни бефарқ қолдирмайди. Қонунларимизнинг такомиллашиб бориши эса халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

**Довуд МАДИЕВ,**
**«Ишонч»нинг**
**парламентдаги мухбири**

*Ҳаёт шукуҳи*

# БАХТ КОШОНАСИ

Яккасарой тумани ФХДЁ бўлимига хушсурат қиз билан баланд бўйли йигит кириб келди.

— Биз никоҳдан ўтмоқчийдик.

Мудира уларнинг ҳужжатини синчиклаб кўздан кечирди.

— Тиббий кўрикка йўлланма бераман. Никоҳни эса бир ойдан кейин расмийлаштирамиз, — деди.

Ёшлар ариза қолдириб кетишди. Бир ойдан сўнг эса мамнун кириб келишди. Шифокорларнинг хулосаси ижобий эди, мудиранинг чеҳраси ёришди. Йигит-қиз гўё осмонларда юришар, беҳад бахтли кўринарди. «Муҳаббат асосида қурилган оиланинг пойдеври мустаҳкам бўлади» деган фикр мудиранинг кўнглидан кечди. Сўнг ёшлар билан узоқ суҳбатлашди. Оила сирларидан, ҳаётнинг тилсимли синоатларидан сўзлади. «Никоҳ шартномаси» тузишни тавсия қилиб, гувоҳлар иштирокида шартнома расман қайд этилди. Гулчеҳрахон Азизова келин-куёвни «эр-хотин» деб эълон қилди.

Бундай лаҳзаларда унинг дили қувонч туяди. Ўлим ёки ажрим қоғозини расмийлаштираётганида ич-ичидан эзилади. «Эҳ», дея ўкинади. Аммо ҳаётнинг ўз қонуниятлари бор. Кундуздан сўнг тун, ибтидодан кейин интиҳо...

Оила — муқаддас неъмат. Инсон оромини хонадонида, яқинлари даврасида топади. Эрталаб уйдан чиқаётиб, дили равшан бўлса, билингки, ўша куни унинг иши юришади. Аксинча бўлсачи? Худо асрасин... «Қушнинг ҳам уяси бузилмасин», дейди халқимиз. Ҳақ гап. Бузилган оилада на қувонч, на бахт бор.

— Оила мустаҳкам, тинч бўлса, унда тарбияланиб, вояга етаётган фарзандлар ҳам маънавий етук, теран фикрли, соғлом ва комил инсон бўлиб ўсади, — дейди мудира.

Оила — жамиятнинг ажралмас қисми. Шундан келиб чиқиб, мазкур бўлимдагилар дастлаб Оила кодекси, унда белгилаб берилган оиланинг ҳуқуқий асослари, эр-хотиннинг қонуний ҳуқуқи ва бурчларини аҳоли ўртасида тушунтиришга алоҳида аҳамият бераётир. Шунингдек, ишни йўналтиришда «Ўзбекистон Республикаси ФХДЁ органларида иш юритиш тартиби ҳақида»ги Йўриқнома дастуриламал бўлмоқда. Унда белгиланганидек, бўлимда фуқароларга туғилиш, никоҳни қайд қилиш, фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, исм-фамилия, ота исмини ўзгартириш ва бошқа фуқаролик ҳолатлари қайд этилмоқда. Жумладан, шу кунгача 56 жуфтлик тиббий кўрикдан ўтди.

Президентимизнинг: «Ҳомийлик — бу фақат ўз бойлигидан бир қисмини хайр-эҳсон учун ажратиш эмас, ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб белгиласак бўлади», деган сўзлари бўлим аҳли учун ўзига хос йўналиш бўлиб хизмат қилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ночор, етим ва кам таъминланган кишилар учун бепул ҳуқуқий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Туман ҳокимияти томонидан Бобур номли истироҳат боғида ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ҳомийлик ёрдамини ташкил этиш мақсадида уюштирилган тадбирда бўлим жамоаси фаол қатнашди.

Аёлларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишни юксалтиришга бағишланган тадбирларда ҳам ФХДЁнинг ўз ўрни бор. Масалан, Абдулла Қаҳҳор номли маҳаллада ўтказилган «Аёлларнинг ҳуқуқлари» мавзуидаги семинар кўпчиликка маъқул тушди. Ёки «Туркистон» маҳалласида «Оилада аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги», Абдулла Авлоний номли маҳаллада «Оила маркази» билан ҳамкорликда «Аёл ҳуқуқларининг бузилиши» мавзуидаги давра суҳбатлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

ФХДЁ бўлимида ажойиб бир иш услуби бор. Ажралиш учун келган ёшлар биринчи навбатда маҳалла фуқаролар йиғинлари таркибидаги Яраштирув комиссиясига жўнатилади. Унинг хулосасидан сўнггина ажрим ҳужжати расмийлаштирилади. Шу йилнинг ўзидаёқ Яраштирув комиссияси аралашуви билан 3 та жуфтликнинг қонуний никоҳлари сақлаб қолинди.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЁШ ОИЛА МАКТАБИ

***Қадимий ва навқирон Шаҳрисабзда Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан кўпгина хайрли ишларга қўл урилди. Бу ерда, айниқса, оила тиббий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.***

Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида «Низом»ни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ижроси назоратда турибди. ФХДЁ бўлимида «Ёш оила мактаби» фаолият кўрсатмоқда. Шифокорлар томонидан янги оиланинг соғлом ҳаёт кечириши, турли касалликларнинг олдини олиш мавзуида қизиқарли суҳбатлар уюштирилаяпти. Ҳозирга қадар янги турмуш қурган 1438 нафар йигит-қиз тиббий кўрикдан ўтказилиб, керакли маслаҳатлар берилди.

Репродуктив саломатлик ва баркамол оилани шакллантириш масалалари туман газетаси, телевидение орқали ёритилмоқда. Тиббиёт ходимлари маҳалла ва қишлоқларда бўлиб, оналар ва болалар соғлиғи муҳофазаси, оилани соғломлаштириш, туғиш ёшидаги аёллар гигиенаси ҳақида давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказишди.

Кўриш қобилияти сусайган ёлғиз кексалардан 12 нафарига жарроҳлик амалиёти ўтказилди. 287 нафар ногирон кўз касалликлари шифохонасида даволанишди.

Билим ва тажрибасини беморларни даволашга сарфлаётган кардиолог Ғайрат Фозилов, жарроҳ Муродулла Эгамбердиев, асаб касалликлари шифокори Маҳмуд Қаландаров, реаниматолог Гули Юсупова, доя Мавлуда Каримова, шошилинч тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Шафоат Хўжақуловаларнинг намунали хизматидан даволанувчилар мамнун.

Шифокорлик — шарафли касб. Одамларни дарддан фориғ этиш учун масъул эканлигимиздан фахрлансак арзийди.

**Насиба ҚУРБОНОВА,**
**марказий шифохона ҳамшираси**

# МУҲАББАТ, БУ — ...



**Муҳаббат, бу - қалбдаги жароҳат.**
**Бен ХЕХТ**

* * *

*Муҳаббат, бу — бир умр давом этадиган қалтислик.*
**Ванда БЛОНЬСКАЯ**

* * *

**Муҳаббат, бу — текинга олинган мукофот.**
**Рикарда ХАШ**

* * *

*Муҳаббат, бу — бамисоли уруш, бошлаш осону тугатиш қийин.*
**Генри Луис МЕНКЕН**

* * *

**Муҳаббат, бу — ҳамма нарса. У ҳақда биладиганимиз шу, холос.**
**Эмили ДИКИНСОН**

* * *

*Муҳаббат, бу — бир одамнинг бахти Сизнинг бахтли бўлишингиз шарти эканлигидир.*
**Роберт ХАЙНЛАЙН**

* * *

**Муҳаббат, бу — ўз фазилатларимизнинг бошқа одамда намоён бўлишидир.**
**Ралф ЭМЕРСОН**

* * *

*Севмоқ - демак бошқалар илғай олмаган мўъжизани кўрмоқдир.*
**Франсуа МОРИАК**

* * *

**Севмоқ — демак яхши кўрган одаминг ҳаёти билан яшамоқдир.**
**Лев ТОЛСТОЙ**

* * *

*Муҳаббат, бу - ишонч.*
**Мэрилин МОНРО**

* * *

**Муҳаббат, бу — энг яхши косметика.**
**Жина ЛОЛЛОБРИЖИДА**

* * *

*Муҳаббат, бу — юракдаги тиш оғриғи.*
**Генрих ГЕЙНЕ**

* * *

**Муҳаббат, бу — ширин туш, никоҳ — қўнғироқли соат.**

* * *

*Муҳаббат, бу — бошқа одам билан биргаликда қаришга шайлик.*
**Альбер КАМЮ**

* * *

**Муҳаббат, бу — тентакнинг ўз кўз олдида комиллашуви учун ягона имкониятдир.**
**Оноре де БАЛЬЗАК**

* * *

*Муҳаббат, бу — ҳаётнинг суғуртаси, шартномани қанчалик кеч имзоласанг, тўловлар шунчалик баланд бўлади.*
**Саша ГИТРИ**

* * *

**Муҳаббат, бу — икки киши ўртасидаги ўйин бўлиб, унда ҳар икки томон учун ютуқ имконияти бор.**
**Анри РЕНЬЕ**

* * *

*Чин муҳаббат саробга ўхшайди, ҳамма у ҳақда гапиради, лекин ҳеч ким уни кўрмаган.*
**Франсуа ЛАРОШФУКО**

* * *

**Бод касали ва чин муҳаббат безовта қилмагунча унга ишонмайдилар.**
**Мария Эбнер-ЭШЕНБАХ**

* * *

*Севмасдан туриб муҳаббат йўқ экан дейиш мумкин эмас.*
**Александр КУЛИЧ**

* * *

**Эҳ, ҳиссиётлар тажрибаси ҳис қилишга қанчалар ҳалақит беради!**
**Альфонс ДОДЕ**

* * *

*Муҳаббат ҳамма нарсадан ғолиб чиқади.*
**ВЕРГИЛИЙ**

* * *

**Ҳар биримиз севганимиз худди ўзимиз каби ўйлашини ғойибона истаймиз.**
**Ким ЧЕРНИН**

* * *

*Муҳаббат ягонадир, аммо унга нисбат берилган сохталиклар сон-саноқсиз.*
**Франсуа ЛАРОШФУКО**

* * *

**Муҳаббатдан қўрққанлар, демак, ҳаётдан қўрқадилар, ўша - ҳаётдан қўрқадиганлар бамисоли тирик мурдадир.**
**Бертран РАССЕЛ**

* * *

*Аёл киши учун севимли бўлмаслик - бахтсизлик, ҳеч қачон севмаслик - фожеа.*
**Дороти ДИКС**

* * *

**Бир кўришдан то охирги нафасгача севиб қолиш олий орзудаги севгидир.**
**Тадеуш ФРАНГРАТ**

* * *

*Фақат бир кўришда севиб қолишгина чин муҳаббат бўлиши мумкин. Иккинчиси таассуротни ўтмаслаштиради.*
**Изрейел ЗАНГВИЛЛ**

**Шодмон ОТАБЕК**
**таржимаси**

*Футбол*

# БАШОРАТЧИЛАР ҲАМ ЯНГЛИШАДИ

***Мухлис борки, ўз жамоасини биринчи ўринга қўйгиси келади. Жилла қурса, шундай бўлишини орзулайди ва шунга қараб тўн бичади. Фақат ўз касбининг мутахассисларигина ҳар масалага холис ёндошиб, ҳар бир жиҳатга эътибор қаратган ҳолда хулосалар чиқаради.***



Германия яшил майдонларида бугун содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг аксари олдиндан қилинган башоратлар доирасида кечаётгани ҳам аслида шундан. Қайси терма жамоа нимага қодиру нимага қодир эмаслиги қизғин ва муросасиз курашлар жараёнида ўз ифодасини топаётган айни паллада ҳеч бир қолипга сиғмайдиган ишлар ҳам бўлмоқда.

Узоққа бориб нима қилдик, Польша термаси иштирокидаги икки ўйин амалда жамоа тақдирини ҳал қилди. Дастлабки учрашувда «А» гуруҳининг учинчи командаси дея таъриф олган Эквадорга 0:2 ҳисобида ютқазиб қўйган поляклар иккинчи турда чемпионат мезбонлари билан рўбарў келди. Ғалаба, лоақал дуранг натижагина Польша терма жамоаси учун умид қолдирар эди. Буни яхши тушунган футболчилар чиндан ҳам ушбу баҳсда ўзларини фақат яхши томондан намоён эта билдилар. Йенс Леманн қўриқлаётган дарвоза олдида бир неча хавфли вазиятлар юзага келгани, ҳатто айтиш мумкинки, иккинчи бўлимнинг муайян қисмида майдонда устунликка эришилгани ҳам буни тасдиқлаб турибди. Лекин...

Эквадор жамоаси билан бўлгани каби ҳимоя марказидаги пала-партиш ҳаракатлар бу гал ҳам охироқибат панд берди. Ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтда учрашувни ниҳоятда яхши ўтказган, бир неча хавфли зарбаларни қайтара билган дарвозабон ҳам ожиз қолди. 0:1 ҳисоби бутун саъй-ҳаракатларни чиппакка чиқарди.

Клинсманн шогирдлари нимчоракка чиқиш вазифасини муддатидан илгари бажариб, 20 июнда Эквадорга қарши бемалол иккинчи таркиб билан ўйнаш имкониятига эга бўлдилар. Бу эса етакчи футболчиларнинг масъулиятли учрашув олдидан етарли даражада ҳордиқ чиқаришлари мумкинлигини билдиради.

Эквадор кўчаларида ҳам бугун байрам. Терма жамоа Польша билан бўлган матчда олган руҳий кўтаринкиликни Коста-Рика футболчилари ҳам амалда ҳис қилишлари учун бор кучини ишга солди ва ўзи учун мақбул натижага эришди — 3:0.

**«А» гуруҳида юзага келган ҳолат қуйидагича кўриниш олди:**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. Эквадор** | **2** | **2** | **0** | **0** | **5-0** | **6** |
| **2. Германия** | **2** | **2** | **0** | **0** | **5-2** | **6** |
| 3. Польша | 2 | 0 | 0 | 2 | 0-3 | 0 |
| 4. Коста-Рика | 2 | 0 | 0 | 2 | 2-7 | 0 |

Бошқа гуруҳларда ҳам ўйиндан-ўйинга вазият ойдинлашиб, кимнинг ким эканлиги маълум бўлиб бормоқда. Хусусан, Испания терма жамоаси Олег Блохин шогирдлари устидан эришган ишончли ғалаба (4:0) амалда Периней ярим оролидан келган чарм тўп усталарини фаворитлар қаторига олиб чиқди. Чехия осмонида ҳам ҳеч қандай қора булутлар кўринмаяпти. Гарчанд дастлабки учрашувларда ўзларини тўла намоён қилолмаган бўлсалар-да, Бразилия ва Аргентина ҳақида ҳам шундай фикрни билдириши мумкин.

Баҳслар қизғин паллага кирди. Олдиндан бир нарса дейиш қийин. Шахмат терминидан фойдаланиб мушоҳада юритадиган бўлинса, «кишт» бериш, бу ҳали «мот» дегани эмас. Фақат цейтнотга тушиб қолинмаса бўлгани...

**М. ИБРОҲИМОВ**


# «ЎКТАМБАНК»

**хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки Кенгаши**

*Сизга 2006 йил 22 июн соат 11.00 да Қарши шаҳар Соҳибкор кўчаси, 4-уйда, яъни банкнинг Бош офисида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади*

**КУН ТАРТИБИ**

**1.Қўшимча чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар ҳисобига банкнинг устав капиталини ошириш.**
**2.Тақдим этувчига банк акцияларини эгаси ёзилган оддий акцияларга ўзгартириш.**
**3.Банк акцияларини нақд шаклидан нақдсиз шаклига ўзгартириш.**
**4.Банк Устав капиталини ошириш мақсадида эълон қилинган акциялар миқдорини белгилаш.**
**5.Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.**

*2006 йил 14 июнда «Ўктамбанк» ХОАТ банки Кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати 2006 йил 16 июнда ёпилиши белгиланган.*

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш — ***Қарши шаҳар Соҳибкор кўчаси, 4-уйда, банкнинг Бош офисида,*** 2006 йил 22 июн соат 10.00 да бошланади.

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига доир барча масалалар бўйича маълумотларни (8375) 227-66-23, 227-58-95 телефон рақамлари орқали соат 9.00 дан 17.00 гача олиш мумкин.**


*Инсон ва табиат*

***Сода ишлаб чиқарадиган улкан заводнинг қурилиши, нефт-газ конларининг ўзлаштирилиши, «Ийгиликгаз» қўшма корхонаси ва бошқа ўнлаб иншоотларнинг ишга туширилиши Қўнғирот туманида экологик мувозанатни тартибга солишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам бу ерда яшил бойликларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган кенг кўламли дастур ишлаб чиқилиб, амалга оширилаяпти.***

# УСТЮРТНИНГ ЯШИЛ БЕЛБОҒИ



Туман ўрмон хўжалиги ҳудуди 2 миллион 315 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, унинг 171 минг гектари ўрмон билан қопланган. 249 минг гектари яйловлардан иборат.

Дарахт ва ўсимликларнинг атроф-муҳит ҳавосини мўътадиллаштиришдаги аҳамияти беқиёс. Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан юзлаб гектар дашт ерларда кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Чўл шароитида ўрмончиликнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Жамоа буни ҳисобга олиб, 4 гектар майдонда кўчатхона ташкил этган. Унда ҳар йили 1 миллион тупдан ортиқ ниҳол етиштирилиб, фермер, деҳқон хўжаликларига, корхона, ташкилот ва муассасаларга етказиб берилаяпти.

Туманда экилган ҳар бир дарахт алоҳида эътибор билан парваришланади. Қўнғиротликларнинг саъй-ҳаракати билан йил бошидан бери минг гектар майдонга уруғ, 5 гектарга саксовул экилди. Марат Бекешов, Алишер Йўлдошев, Элдор Ўтамуродов каби ўрмончилар кўчат экиш ва парваришлашда яхши натижаларга эришишмоқда. Дарахт кесиш механизми ва ёғочдан турли рўзғорбоп буюмлар ясайдиган цех ташкил этилиб, аҳолининг бўш қатлами иш билан таъминланган.

Касаба уюшма қўмитасининг саъй-ҳаракати билан ойлик маошлар вақтида тарқатилиб, қўшимча рағбатлантириш мукофотлари бериб борилаяпти. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилаяпти. Ёлғиз қариялар ва нафақадорлар ҳолидан хабар олинмоқда.

Айни вақтда бепоён саҳро бағрида ихота ўрмонзорлари кенгайиб бормоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## БИЛАСИЗМИ?

Жаҳондаги энг катта яшил чироқ (светофор) Англиядадир. У инглиз портларидан бирида кемалар қатновини бошқариб туради. Светофордаги рангли ёруғлик-сигнал қурилмаларидан ҳар бирида бир ярим киловатт қувватли иккитадан галоген лампалар бор.

Кундузи ёруғлиги 9 километрдан, тунда эса 46 километрдан кўринади.

* * *

Энг тез ҳаракатланадиган лифт япон мутахассислари томонидан Токиода 60 қаватли осмонўпар бинода қурилган. У соатига 36 километр тезликда кўтарилиб тушади.

Лифт тезлигини ошириш мумкин-у, аммо мақсадга мувофиқ эмас, чунки бунда йўловчилар босим тез ўзгариши сабабли ўзини нохуш ҳис қилади.

* * *

Европа ва Америка ўртасидаги энг биринчи сувости телеграф алоқаси 1858 йили ишга тушган. Махсус экспедиция Атлантика океанининг остига кабель ётқизган.

**А.АЛИЕВ**
**тайёрлади**

Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюросининг бахтсиз ҳодисалар бўлими тезкор эксперт **Шопўлат ШАРИПОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир -А.Ҳақбердиев
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев
Навбатчи - Т.Шернаев

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 14.908
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru
Буюртма Г— 814

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди -